



Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва аҳил қўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисида ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистон Республикасига амалга оширган давлат ташрифи доирасидаги икки томонлама музокара натижаларига кўра,

1998 йил 31 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома ҳамда 2013 йил 14 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома қондаларига амал қилган ҳолда,

ўзаро ҳурмат, ишонч ва ошқоралик принцип-ларига асосланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги мустаҳкам тарихий алоқалар, икки мамлакат халқларининг қўп асрлик қардошлик ва ҳамкорлик ришталарига таяниб,

Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги аҳил қўшничилик, дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларнинг стратегик шериклик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш асосида жадал суръатда ва изчил ривожланиётганини мамнуният билан қайд этиб,

икки томонлама кенг қамровли ҳамкорлиқни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш икки қардош халқларнинг узоқ муддатли манфаатларига жавоб беришига ҳамда Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва ривожланишни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирган ҳолда,

халқаро майдонда янада узвий ҳамкорлик қилиш ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришга ўзаро интилишларини тасдиқлаб,

икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш учун олий ва юқори даражада мунтазам икки томонлама ташрифлар ва сиёсий маслаҳатлашувларни қўллаб-қувватлашга ҳамда ҳукуматлар, парламентлар ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришга содиқ қолган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида баёнот берадилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қозоғистон Республикаси Президенти дипломатик муносабатлар ўрнатилган пайтдан бошлаб чорак аср мобайнида ҳамкорлиқнинг турли соҳаларида эришилган салмоқли натижаларни юқори баҳолайдиган ҳамда икки давлат стратегик шериклик муносабатларининг янги тарихий даврга қираётганини таъкидлайдилар.

2. Томонлар Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва ривожланишни таъминлаш масалалари бўйича позицияларининг мос келишини тасдиқлаган ҳолда, минтақа икки муаммоларининг барча жабҳалари бўйича ўзаро мақбул қарорларни қилиш ва қабул қилиш, энг аввало, ушбу минтақа давлатлари томонидан тенг ҳуқуқлиқлик, ўзаро манфаатдорлик ва бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қилиш асосида амалга оширилиши лозимлигини таъкидлайдилар.

3. Томонлар халқаро сиёсатнинг муҳим масалалари бўйича позицияларининг яқинлиги ёки мос келишини қайд этидилар, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга ўзаро интилишларини таъкидлайдилар ҳамда халқаро майдонда, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни жадаллаштириш ниятларини тасдиқлайдилар.

4. Ўзбекистон Қозоғистоннинг 2017-2018 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашига муваққат аъзолиги доирасида Марказий Осиё мамлакатлари учун умумий бўлган устувор масалаларни илгари суриш бўйича амалга ошираётган саясий-ҳаракатларини олқишлайди ҳамда минтақада барқарорлик, хавфсизлик ва ривожланишни таъминлаш масалалари, шу жумладан, халқаро сиёсатнинг томонларни қизиқтирган долзарб масалалари юзасидан Қозоғистон билан яқиндан ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир.

Томонлар Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона мақомини янада кўтариш тарафдоридилар.

5. Томонлар МДҲ давлатларини қизиқтирган барча масалалар бўйича ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ривожини таъминлаш мақсадида МДҲ доирасида ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш ва Ҳамдўстлик механизmlаридан янада самарали фойдаланишдан ўзаро манфаатдор эканликларини билдирдилар.

6. Президентлар хавфсизлик ва барқарорликка замонавий ҳуруж ва таҳдидларга қарши курашиш ҳамда иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлиқни ривожлантириш мақсадида аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашга қўмаклашадиган ташкилот сифатида ШҲТ кун тартибидagi муҳим масалалар бўйича позицияларининг яқинлиги ёки мос келишини таъкидлайдилар. Томонлар Ташкилот Хартиясига мувофиқ, ШҲТ келгусида ҳам долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда блоки, мафкуравийлашган ва зиддиятчи ёндашувларни истисно қиладиган йўлдан боришга содиқ қолишини тасдиқлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Қозоғистон Республикасининг ШҲТга раислиги доирасида ҳамда 2017 йил 8-9 июнь кунлари Остона шаҳрида Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишини муваффақиятли

ўтказиш бўйича унинг саясий-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

7. Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси иштирокчилар ҳисобланган халқаро шартномалар асосида халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, наркотик ва қуролларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик ҳамда бошқа хавфсизликка ҳуруж ва таҳдидлар билан курашишда маслаҳатлашувлар ўтказиш орқали икки томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш ва жадаллаштириш заруриятини қайд этидилар.

Ушбу мақсадларда Марказий Осиё минтақасида радикализм кўринишлари ва экстремизм тобора авж олишининг олдини олиш ва уларга қарши курашишда Ўзбекистон ва Қозоғистон тегишли идораларининг биргаликдаги ҳаракатларини такомиллаштириш бўйича барча зарурий чоралар кўрилади.

8. Президентлар афгон халқининг миллий келишувга эришиш, мамлакатни тинчлик йўли билан тиклаш ва қайта барпо этишдаги саясий-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайдилар ҳамда сиёсий-дипломатик усуллардан кенг фойдаланиш орқали Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича халқаро саясий-ҳаракатларда БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчи ролини мустаҳкамлаш тарафдоридилар.

Томонлар Афғонистондаги вазиятнинг тезроқ барқарорлаштириш ҳамда ушбу мамлакатда тинчликка эришиш минтақадаги хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар.

9. Давлат раҳбарлари Марказий Осиё трансчегаравий даражасининг сув ресурслари халқларнинг умумий бойлиги ва мўлки эканлигини ҳамда миллионлаб инсонлар тақдир, бутун минтақа барқарорлиги ва фаровонлиги улардан оқилана ва адолатли фойдаланишга боғлиқ эканлигини қайд этидилар.

Томонлар Марказий Осиё трансчегаравий даражасида янги гидротехник иншоотлар барпо этишни бошқа манфаатдор давлатлар манфаатларига зиддиятсиз етказмайдиган конструктив ёндашув ва мурооса асосида, шунингдек, трансчегаравий таъсирга эга бўлган барча лойиҳаларни ҳолис халқаро экспертлардан ўтказиш ва қўйи оқимда жойлашган мамлакатлар билан келишини назарда тутувчи БМТ конвенцияларида белгиланган халқаро сув ҳуқуқининг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ амалга ошириш лозимлиги тўғрисидаги фикрни қўллаб-қувватлайдилар.

10. Томонлар экология ва сув хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш масалаларига устувор аҳамият берадилар, махсус қўшма дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, ишчи гуруҳлар ташкил қилишга қўмаклашадилар, атропо-муҳит ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш, табиатдан оқилана фойдаланиш учун зарур чоралар кўрадилар ҳамда ҳудудлар ва аҳолининг ҳаёт фаолиятига таҳдид соладиган экологик ҳалокатлар ва фавқулодда вазиятларда ўзаро ёрдам кўрсатадилар.

Томонлар Оролни қўқариш халқаро фондига Орол ҳалокати таъсири остида қолган ҳудудларни экологик соғломлаштиришга, шунингдек, минтақа ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган экологик ва илмий-амалий лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш бўйича минтақа мамлакатларининг биргаликдаги ҳаракатлари учун универсал платформа сифатида қарайдилар.

11. Томонлар Ислам ҳамкорлик ташкилотининг (ИҲТ), биринчи навбатда, фан-таълим, маданий-гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда мусулмон давлатларининг янада фаол биргаликдаги ҳаракатларига қўмаклашадиган ҳамда бу орқали халқаро ҳамкорлик ва хавфсизлиқни илгари суришга ҳисса қўладиган нуфузли форуми сифатидаги ролини мустаҳкамлаш мақсадида мазкур ташкилот доирасидаги шериклиқнинг муҳимлигини қайд этидилар.

Қозоғистон Республикаси 2016 йил 19 октябрь кўни Тошкент шаҳрида «Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» мавзусида 43-сессияси муваффақиятли бўлиб ўтган ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашига Ўзбекистон Республикасининг раислиги доирасида унинг саясий-ҳаракатларини тўлақонли қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон томони 2017 йил 10-11 сентябрь кунлари Остона шаҳрида Фан ва технологиялар бўйича ИҲТ биринчи саммити ўтказилишини олқишлайди ҳамда ушбу тадбирда иштирок этишга тайёрглигини билдиради.

12. Қозоғистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Президентига Ўзбекистон томони «ЭКСПО — 2017» халқаро иқтисошлашган кўргазмасида иштирок этишга қизиқиш билдиргани учун миннатдорчилик изҳор қилди.

Томонлар атропо-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик тоза технологияларни жорий қилиш, барқарор ривожланиш мақсадлари принциплари асосида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда юқори технологияли соҳалар ва экологик тоза ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича икки мамлакат устувор қарашларининг мос келишини мамнуният билан қайд этидилар.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Остона, 2017 йил 23 март

**Қозоғистон Республикаси
Президенти
Нурсултон НАЗАРБОВ**

13. Томонлар парламентлараро алоқаларнинг фаоллашувини мамнуният билан қайд этадилар. Бу соҳада, хусусан, икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари палаталари ўртасида янада фаол ва кенг қамровли амалий ҳамкорлиқни йўлга қўйишда мавжуд заҳиралар аниқлаштирилди.

14. Президентлар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ривожининг ижобий тенденцияларини мамнуният билан қайд этидилар ва икки томонлама савдо ҳажмларининг доимий ўсишини таъминлашга, икки мамлакат бозорларида харидорғир бўлган юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни товар айланмасига жалб қилиш орқали икки томонлама савдони диверсификация қилишга ҳамда иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқнинг узоқ муддатли шаклларини ривожлантиришга ўзаро интилишларини билдирдилар.

Томонлар ташриф давомида имзоланган 2017-2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини изчил амалга ошириш иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашга ва ўзаро товар айланмасини 2020 йилгача 5 миллиард АҚШ долларига кўтаришга туртки берган ҳолда, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтиришга хизмат қилишини қайд этидилар.

15. Икки давлат раҳбарлари жорий йилнинг 22-23 февраль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг ўн олтинчи мажлиси якунларини ижобий баҳолайдилар ҳамда савдо-иқтисодий соҳада, энг аввало, кенг қўламли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали аниқ натижаларга эришиш мақсадида унинг ролини янада кучайтириш заруриятини таъкидлайдилар.

Томонлар транспорт ва коммуникация, қазиб чиқариш ва қайта ишлаш саноатлари, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, автомобиль, кимё ва маҳаллий саноат, соғлиқни сақлаш ва туризм каби устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни жадаллаштириш ниятидалар.

16. Томонлар икки мамлакат минтақалари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорлиқни жадаллаштиришга қўмаклашадиган Минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланганини қайд этидилар.

Томонлар икки мамлакат минтақалари ҳамкорлигининг янги шаклини амалга ошириш механизмининг яратилиш имкониятини ўрганадилар.

17. Президентлар икки давлатнинг улкан транзит-транспорт салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, ташқи бозорларга энг қисқа ва самарали чиқишни таъминловчи транспорт ва транзит йўлакларини ривожлантириш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлиқнинг устувор хусусиятини қайд этидилар.

Бу борада Томонлар ўз ҳудудларидан ташқи савдо юкларини транзит ташишда икки мамлакат темир йўл маъмуриятлари томонидан ўзаро преференциялар ва қўшимча чегирмаларнинг тақдим этилиши бу соҳадаги ҳамкорлиқни тубдан кенгайтиришга ҳамда транзит юкларнинг салмоқли ҳажмларини жалб қилишга имкон беришини таъкидлайдилар.

Томонлар «Бейнеу — Акжигит — Ўзбекистон чегараси» автомобиль йўли лойиҳаси, шунингдек, минтақа мамлакатларининг халқаро денгиз коммуникациялари ва салоҳиятли бозорларга муқобил чиқишини таъминлайдиган бошқа қўшма лойиҳаларнинг тез орада амалга ошишидан ўзаро манфаатдор эканликларини билдирдилар.

18. Томонлар икки мамлакат халқлари ўртасидаги қўп асрлик дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашда ўзларининг тарихий масъулиятини ангаган ҳолда, фан ва таълим, маданият ва санъат, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорлиқни ривожлантиришга содиқ эканликларини тасдиқлайдилар.

Томонлар бундан буён ҳам икки давлат ҳудудида истиқомат қилаётган ўзбек ва қозоқ диаспоралари учун она тили, миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш масалаларида қўлай шароитлар яратиш берадилар.

19. Президентлар ишонч ва ўзаро англашув муҳитида ўтган музокаралар якунларини мамнуният билан қайд этадилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида қўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қиладиган ҳамда икки мамлакат қардош халқлари ўртасида ўзаро англашувни чуқурлаштиришга қўмаклашадиган икки томонлама олий даражадаги учрашувларни мунтазам равишда ўтказиб боришга келишиб олindi.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевга ва барча Қозоғистон халқига ўзбек делегациясига қўрсатилган меҳмондўстлик ва илқ қабул учун миннатдорчилик билдирди ҳамда Қозоғистон Республикаси Президентига ўзи учун қўлай бўлган вақтда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюришни таклиф қилди. Ташриф муддатлари дипломатик каналлар орқали келишилади.

Муносабат



ҚАДРИЯТИ ВА РУҲИЯТИ БИР

Икки халқнинг яқин қўшничилик муносабатларида янги давр бошланмоқда

Баҳорнинг сарин эпкиллари поён-сиз кенгликларга ажиб бир нашида бахш этиб турган шу кунларда қозоқ даштларидаги қўлам сурурини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а! Бир томонда — яшилланган заминнинг қумуш мавжларида бамисоли сузиб бораётган тулпорлар уюрлари... Бир томонда — ўтов ташқарида ўтириб, кўнгил туйғуларини қўлидаги дўмбраси билан оламга ёётган ўланчи қиз...

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўққизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси 2017 йил 28 март кўни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2017 йил 27 март кўни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесига рўйхатга олинади.

Кўрик-танлов

НАМУНАЛИ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ АНИҚЛАНДИ



Суратда: биринчи ҳудуд бўйича қолиблиқни қўлга киритган Самарқанд вилояти Пайарик тумани Алишер Навоий маҳалласига хизмат кўрсатувчи 199-таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Аслиддин Муратов (чапда) маҳалла фаоллари ҳамда ҳамкасблари билан.

Ички ишлар вазирлиги тизимида қатор йиллардан бери намунали таянч пунктлари кўрик-танловни ўтказиб келинмоқда. Танлов жорий йилда ҳам юқори савияда ўтказилди. Якуний босқичда иштирок этган таянч пунктлари орасида ҳудудлар бўйича қолиблар Республика кўрик-танловини ўтказиш комиссияси ҳулосасига асосан аниқланди.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида қолибларни тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева унинг очилишида сўзга чиқиб, юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлашда ички ишлар органлари ходимларининг, жумладан, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган профилактика инспекторларининг муносиб хизматлари борлигини таъкидлади.

Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг баҳолари асосида биринчи ҳудуд бўйича

1-ўринга Самарқанд вилояти, Пайарик тумани Алишер Навоий маҳалласидаги 199-таянч пункти сазовор бўлди. Иккинчи ҳудуд бўйича Фарғона вилояти Марғилон шаҳар «Гўриаввал» маҳалласида жойлашган 79-таянч пункти қолиб, деб топилди.

Учинчи ва тўртинчи ҳудудлар бўйича Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри «Гўлшан» маҳалласидаги 20-таянч пункти ҳамда Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани «Қарамон» маҳалласидаги 38-таянч пункти биринчи ўринни эгаллади. Қолибларга биринчи даражали диплом ва «Матиз» автомашиналари топширилди. Шунингдек, бошқа қатор номинациялар бўйича ҳам қолиблар аниқланиб, уларга диплом ва қўimmatбаҳо совғалар берилди.

Байрам тадбири санъаткорларнинг концерт дастури билан якунланди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ КУЧАЙТИРИШ
— ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ УСТУВОР
ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистонда ижтимоий соҳага эътиборни кучайтириш, манзилли ижтимоий ҳимояни кафолатлаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатимизни тараққий эттиришнинг миллий модели асосини ташкил қиладиган беш тамойилнинг бири ҳам кучли ижтимоий сиёсат юритишдан иборат. Мазкур тамойил асосида мустақиллик йилларида мамлакатимизда беқиёс ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида бу борада қатор қонунлар ишлаб чиқилди, қарорлар қабул қилинапти, давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Энг муҳими, шу тарихи одамларимизнинг ҳаётга муносабати ўзгариб, яхши яшашга интилиши кучайиб бораётти.

2017 йил 2 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этди. Унда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини сўзсиз таъминлаш алоҳида белгилаб берилди. Олдимизда турган энг муҳим вазифа эса унинг ижросини қатъий таъминлашдан иборат. Бу жараёнда партиямиз ташкилотлари, барча даражадаги партия гуруҳлари фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Ҳар бир депутат ўз сайлов округида ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш масалаларини доимий равишда ўрганиб бормоқда.

Жумладан, пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётини



эҳтиёжлари тўлиқ қондирилишини кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан депутатлик назорати олиб борилапти. Уларнинг аксарияти халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари, партия гуруҳлари ва доимий комиссия-

Ўтган йилнинг сентябрь ойида Миришкор туманида аҳолининг кам таъминланган қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида бериш бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳолати тўғрисидаги масала туман Кенгашидаги партия гуруҳи ҳамда доимий комиссиянинг қўшма йиғилишида муҳо-

амалга оширилаётган ишларнинг аҳоли тўғрисидаги масалани атрофлича ўрганди. Унинг натижалари туман Кенгашидаги маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамкорлигида кўриб чиқилди.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 263,4 минг нафар пенсионер бўлиб, шундан 195 минг нафарини ёшга доир, 52,1 минг нафарини ногиронлик, 16,3 минг нафарини боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олувчилар ташкил этади.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят ташкилотлари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган кишилар, пенсионерлар, ногиронлар, иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келаётган фуқаролар манфаатлари ҳимоясига қаратилган 5 та чора-тадбирлар режаси ва 2 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Масалан, партиямиз тизимида «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз», «Тарғиботчи — маҳаллада» лойиҳалари доирасида қатор тадбирлар ташкил этилди. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ҳамда ногиронлар ҳолидан хабар олинди, муаммоларини ҳал этиш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан мустаҳкам

лар йиғилишларида муҳокама этилмоқда.

Масалан, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят, туманлар ва Қарши шаҳар Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари ташаббуси билан охириги икки йил мобайнида доимий комиссияларда 25 масала ҳамда сессияларда 4 масала муҳокама этилди. Сессияларда мансабдор шахсларнинг ҳисобот ва ахборотларини эшитиш изчил йўлга қўйилди.

ма этилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Қарор ижроси устидан назорат ўрнатилган.

Шунингдек, Чироқчи туман Кенгашидаги партия гуруҳи уруш ва меҳнат fronti қатнашчиларига белгиланган имтиёزلарни амалга оширишдаги ишларнинг ҳолати тўғрисидаги масалани ўрганиб чиқди. Косон туманида депутатларимиз ижтимоий нафақаларни тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш бўйича

алоқа ўрнатилди, керак пайтда ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Бундан ташқари, ушбу йўналишдаги тадбирлар ва ўтказилган мониторинг натижалари ҳудудлар бўйича умумлаштирилган ҳолда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз орқали доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига киритилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Ижтимоий соҳани ривожлантириш» деб номланган тўртинчи йўналишида белгиланган вазифалар партиямиз учун принципиал аҳамиятга эга. Унга кўра, аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиши даражасини янада қисқартириш, бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақаларнинг ҳажминини инфляция суръатларига нисбатан жадал миқдорда босқичма-босқич ошириш белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Ҳаракатлар стратегияси, жумладан, жорий йилга мўлжалланган Давлат дастури ижроси устидан депутатлик назоратини изчил олиб боришимиз талаб этилади.

Ёлғиз кексалар, пенсионерларни ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, аниқланган масалаларни ҳамкор ва мутасадди ташкилотлар вакиллари орқали ижобий ҳал этиш, шунингдек, мазкур масалалар юзасидан маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш борасида фаоллик кўрсатишимиз керак. Чунки булар партиямиз дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларига ҳамохандир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида ёлғиз кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланмоқда. Зеро, инсон шаъни, қадр-қиммати эъзозланган юрда фаровонлик, хотиржамлик, энг асосийси, тинчлик барқарор бўлади.

Олим РАВШАНОВ,
Ўзбекистон ХДП
Қашқадарё вилоят
кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги партия
гуруҳи раҳбари.

Муносабат

Қадрияти ва
руҳияти бир

Икки халқнинг яқин қўшничилик
муносабатларида янги давр
бошланмоқда



Наврўз шукуҳи кезиб юрган шу кунларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Остонага қилган давлат ташрифи ва унда Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан дўстона ўтказган мулоқотларини телевизор орқали кўриб, тўғриси, кўнглим беҳад қувончга тўлди. Албатта-да, тили, дини, қадриятлари бир бўлган халқни бир-биридан ажратиб бўлармиди?!

Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларида янги даврни бошлаб берган бу тарихий, шу сўзни яна бир бор таъкидлагим келди — тарихий учрашув икки халқ қалбига янги сурур бахш этди. Мулоқотлар чоғида дўст мамлакатлар ўртасида ҳам савдо-сотиқ, ҳам иқтисодий, ҳам маданий ва адабий муносабатлар борасида янги имкониятлар очилгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат шаҳарлари орасида транспорт алоқаларининг йўлга қўйилиши, айниқса, бир-бирига қаролон, қуда-анда юрт одамларини беҳад мамнун қилди.

Мен қозоқ-ўзбек биродарлигини, дўстлигини чек-чегараси йўқ уммонга ўхшатаман. Агар бу ўлка одамларига дўстлик, қардошлик борасида гап бошласангиз, улар қалбиди зилол булоқ кўзини очиб юборасиз. Улар бир-бирларини тўлиб-тошиб алқайдилар. Чунки ўзбек ва қозоқ дўстлиги азалий ва абадийдир. Ўзбек ҳамиша қозоқ биродарини «жигарим», деб ардоқлаб келади, қозоқ ўзбекни «уз оғам», дея эъзозлайди.

Аллома шоиримиз Фафур Фулом бир-бирига эш бу икки халқни бир китобнинг икки саҳифасига ўхшатади. Машҳур қозоқ оқини Асқар Тўқмағамбетов эса икки халқ биродарлигини тавсифлаб, ўз шеърида «Бир даракхнинг сояси тушга қадар меники, тушдан кейин сенники», дея лутф этади.

Мен бундан ўн йиллар муқаддам қозоқ адабиётининг жами авлодларга мансуб 50 шоири ижоди намуналарини таржима қилиб, шеърий антология тузганимда, барча шоирларнинг ижодида ўзбек халқига бўлган меҳр-оқибат, самимий муҳаббат туйғуларини ҳис этиб, юракдан тўлқинланган эдим. Ҳа, ўзбек ва қозоқ эли орасида жаҳон халқлари ҳавас қилса, ибрат олса арзийдиган теран аҳиллик, тотувлик шаклланган.

Бир неча йиллар аввал Жанубий Корея мамлакатига ташкил этилган адабий анжуманга борганим ва унда иштирок этганим эсимда. Турли миллат вакиллари қатнашган ушбу йиғинда мен Қозоғистондан келган дўстим билан топишдим ва тадбир охирига қадар биз бир-биримиздан ажралмадик. Бизнинг бунчалик биродарлашиб кетганимизни кўриб ҳаваси келганиданим, балки таажжубга ҳам тушгандир, бир чет эл адиби, «Сизлар икки мамлакатдан келган бўлсангиз, узундан-узун суҳбат қурсанлар, мени ҳайрон қолдиргани бир-бирингларни қандоқ тушунасанлар, ўзи қайси тилда гаплашасанлар?», дея сўраганиди. Мен жилмайиб: «Бизлар бир-биримизга яқин, биродар халқларимиз, тилларимиз ҳам яқин. Агар овозимни сал кўтариб, оҳанжама қилмай гапирсам, дўстим тилида гапирган бўламан. Агар дўстим тилини бурро қилиб, бўяб-бежамай гапирса, менинг тилимда гапирган бўлади», дея жавоб қайтарганим.

Бугун икки давлат ўртасида имзоланган шартномалар, қелишувлар абадий дўстлигимиз пойдеворини янада мустаҳкамлайди, халқларимиз ҳаёти бунданла фаровонлашувига хизмат қилади.

Мирзиёлат МИРЗО,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, шоир.

«Давоми. Бошланғич 1-бетда».

Маҳаллий кенгашларда

Наврўз
қувончлари

Халқ депутатлари Асака туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи аъзоси, Оқбўйра қишлоқ врачлик пункти мудир Замирахон Бўтаева бошчилигида ташкил этилган байрам тадбири кўтаринки руҳда ўтди.

Тадбир аввалида Андижон вилоят партия кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи раҳбари Абдулҳамид Нурматов барчани байрам билан табриклаб, юртимиздаги тинчлик, халқимиз ўртасидаги ҳамжихатлик ҳақида илиқ фикрлар айтишди. Тинчликни қадрлаш, уни асраб-авайлаш ҳамда ёш авлодга бугунги ислохотлар мазмун-моҳиятини тушунтириш масалаларида тақдирлар билдирилди.

Ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилаларга ҳомий ташкилотлар томонидан байрам совғалари топширилди.

Миллий урф-одатларга йўғрилган турли ўйинлар, беллашувлар тадбирга кўтаринки кайфият улашди.

Малика АЛИБЕКОВА,
ЎЗХДП Асака туман кенгаши раиси
ўринбосари.

«Истиқбол» ёшлар қаноти

ЎЗХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан «Муаммоларни ҳал этишда менинг иштироким» лойиҳаси доирасида Тошкент политехника касб-ҳунар коллежидан ташкил этилган давра суҳбати ёшлар билан очик мулоқот тарзида ўтказилди.

«МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА МЕНИНГ ИШТИРОКИМ»
лойиҳаси давом этмоқда

Партия Марказий Кенгаши сектор мудир **Умурбек Бектемиров** партиямизнинг ёш аъзоларини тадбир ва семинар-тренингларда фаол иштирок этишга ундади. «Истиқбол» ёшлар қаноти қошидаги «Ёш сиёсатчилар» клуби аъзоларининг ташаббускорлигини ошириш муҳим вазифа эканини таъкидлади.

— Клуб аъзоларининг маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, жойлардаги муаммоларни ўрганиб, сессиялар муҳокамасига олиб

чиқишда тақдирларни шакллантириш долзарб масалалар, — дейди у. — Бу таъриб ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни депутатликка тайёрлашда қўл келади, деб ўйлаймиз.

Давра суҳбатида йигит-қизлар билан мунтазам равишда эркин, самимий суҳбатлар уюштириш кераклиги қайд этилди. Ёшларни бир жойга тўплаб, умумий гаплар, зерикари маърузалар ўқийдиган воз кечиш, аксинча, уларнинг муаммоларини

ўрганиш, бартараф этиш йўлида асосли тақдирлар билан чиқиш бўйича фикрлар билдирилди.

— Бугун ҳеч биримизнинг бефарқ бўлишга ҳақимиз йўқ, — дейди **Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Зухра Эркиналиева**. — Баъзи тенгдошларимизнинг интернет сайтларидан, ижтимоий тармоқлардан нотиғри фойдаланаётгани, асоссиз дарс қолдиришларга гувоҳ бўлаёми. Бу муаммоларнинг сабабларини чуқур ўрганишимиз ке-

рак. Ҳўш, ёшлар интернетдан қандай мақсадлар учун фойдаланапти, нега дарс қолдирапти? Ана шу каби саволларга жавоб излаш, улар билан дилдан суҳбатлашиш, руҳан мадад бериш керак, назаримда.

Тадбир якунида эҳтиёжманд оилалар фарзандларига ўқув формаси, шаҳар жамоат транспортдан фойдаланиши учун ойлик йўл чипталари, ўқув қуроллари ва эсдалик совғалари топширилди.

Махлиё АЛИКУЛОВА

Косон туманидаги депутатларимиз ижтимоий нафақаларни тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг аҳоли тўғрисидаги масалани атрофлича ўрганди.

СОЯ — БЕТАКРОР ЎСИМЛИК

Унинг дони ва оқсилдан тўрт юздан зиёд турли хил маҳсулот тайёрланади

Юртимизда экилаётган дуккакли дон экинлари орасида соя ўсимлигининг қадри баланд бўлиб, бугдой, шולי ва маккажўхорида кейинги ўринни эгаллайди.

Соянинг дони ва оқсилдан тўрт юздан зиёд турли хил маҳсулот тайёрланади. Унинг дони таркибида 45 фоизгача оқсил ва 25 фоизгача ўсимлик мойи, чорва моллари оқсилда камдан-кам учрайдиган аминокислоталар мавжуд. Соя оқсилдан экологик тоза сифатли мой, таркибида лецитин моддаси сақлaidиган тухум қукуни, қон плазмалари, кўзойнақлар учун сифатли линзалар олинади. Бундан ташқари, жун газламалар ишлаб чиқарилади. Уларни ҳақиқий жунли матолардан ажратиш мумкин.

Чорвачиликда соя маҳсулотлари энг сифатли ва тўйимли озук ҳисобланиб, таркибидаги протенига кўра, 100 кг соя дони 134,8 озук бирлигини сақлайди. Бу кўрсаткич бошқа биронта донли ёки дуккакли экинда учрамайди. Унинг қуруқ پوستи ҳам беда пичанига қараганда тўйимлироқ.

Заводларда мойи ажратиб олинган соя шотти таркибида 14 хил аминокислота мавжуд бўлиб, ушбу моддалар паррандачиликда кенг фойдаланилади.

Соя оқсилли ипак курти учун ҳам ноёб озук ҳисобланади. Бир йилда беш марта ипак курти боқилadиган Японияда соя оқсилдан тайёрланган супотирилган пасталардан фойдаланилади. Юртимизда ҳам бу борада дастлабки ишлар олиб борилмоқда.

Бу ўсимлиkning тупроқ унумдорлигини ошириш борасидаги аҳамияти каттадир. Ундан алмашлаб экишда фойдаланиш катта самара беради.

Соя илдишлари орқали ҳаводан соф азотни ўзлаштириб, тупроқни бойитади. Ўсимлик ўсиш даврида ўзи учун ҳам, ўзидан кейинги ўсимлик учун ҳам маълум миқдорда азот қолдириб кетади. Яъни у тупроқ таркибини яхшилаб, биологик жараёнларнинг фаоллигини оширади.

Ушбу ўсимлик экилган дала-ларда тупроқнинг микрофлораси яхшиланади, тупроқда биологик ва экологик тизим вужудга келади.

Чувалчанглар, ризобиум бактериялари ва бошқа фойдали организмлар яшаш учун қулай муҳит пайдо бўлади.


Соя (*Glycine hispida maxim.*) ис-сиксевар ўсимлик. Доннинг униб чиқиши учун энг паст ҳарорат +8 °С, муқобил шароит 18-25 °С ни ташкил этади.

Бу ўсимлики икки муддатда экиш мумкин. Биринчи марта баҳорда, яъни тупроқ ҳарорати 12-14 °С бўлганда ёки маккажўхори билан бир вақтда, иккинчи марта ба-ба, такрорий экин сифатида донли экинлардан сўнг экилади. Асосий экин сифатида экишда унинг навларини тўғри танлай билиш лозим-дир. Эртапишар навларнинг ўсиш даври 70-75 кун бўлса, ўртапишар навлар 100-110 кун ва кечпишар навлар эса 135-140 кунда пишиб етилади. Уларнинг қайси муддатда экилишига қараб навлар танланади. Кеч пишар навлар гектаридан 30-40 центнер ҳосил беради.

Чорвачиликда соя маҳсулотлари энг сифатли ва тўйимли озук ҳисобланиб, таркибидаги протенига кўра, 100 кг соя дони 134,8 озук бирлигини сақлайди. Бу кўрсаткич бошқа биронта донли ёки дуккакли экинда учрамайди.

Соя уруғчилигида Краснодар ўлкаси ва АҚШдан келтирилган соя навлари бизнинг шароитимизда юқори ҳосил бермоқда.

Сояни такрорий экиш режалаштирилган экан, албатта навларни тўғри танлаш лозим. Эртапишар навлар 1200-1500 °С, ўртапишар навлар эса 1800-2100 °С талаб қилади. Такрорий экилганда 1400-1500 °С ҳаро-ратни ўсимлик тўплай олади.



Уни такрорий экишда «Тумарис», «Ойжамол», «Олтинтож», «Генетик», «Парвоз» навларидан фойдаланиш мумкин. Соянинг илдишларида туга-

гектарда эртапишар навларда 400-450 минг, ўртапишар навларда 350-400 минг, кечпишар навларда 300-350 минг туп бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Уруғлар 4-7 см чуқурликка экилади. Ўсув даврида қатор ораси 2-3 марта ишланилади, органик ва минерал ўғитлар берилганда, ўсимлиkning озукга бўлган талаби яхшиланади.

Сугориш ерости сувларининг жойлашишига қараб олиб борилади, яъни 1,5-2,0 м чуқурликда жойлашганда экин 3-4 марта сугорилади. Ерости сувлари узок ёки пастда жойлашган бўлса, унда сугориш сони оширилади. Соя ўзидан чангланади.

Экишда маккажўхори ва чигит экадиган мосламалардан фойдаланилади. Қатор ораларини ишлаш ва пишиб етилганда донини ўриб олиш механизация орқали амалга оширилади.

Хуллас, соя нави тўғри танланса, агротехника ишлари ўз вақтида сифатли бажарилса, кони фойда бўлади.

Соя ўсимлигининг яна бир афзаллиги шундаки, у такрорий экин сифатида экилса, бир ердан икки марта дон олишга эришилади ва

тупроқ органик моддалар билан бойийди. Бу вақтда қўшимча ҳар гектар ердан 400-450 кг азот ва 300-350 кг ўсимлик мойи олишга эришамиз.

Соянинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳам ўрни бекиёс-дир. Республикаимизнинг ёғ завод-ларида соя донидан тўғридан-тўғри ёғ ажратиб олинади. Ёғи ажратиб олинган соя донидан тўғридан-тўғри изолятдан кондитер саноатида шоколадли конфет-лар тайёрлаш мумкин ёки тўғридан-тўғри улардан турли хил печенье-лар, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади. Шунинг-дек, ундан колбаса маҳсулотларини тайёрлашда фойдаланилади. Тарки-бида оқсил моддаси кўп бўлгани учун соя уни қўшилган нон ва печенье-лар 2-3 мартаба тўйимли бўлади.

Демак, сояни етиштириш билан қатор муҳим масалалар ҳал этила-ди, биринчидан, тупроқни биологик азот билан бойитамиз, иккинчидан, аҳолини сифатли, экологик тоза ўсимлик мойи билан таъминлаймиз, турли хил маҳсулотлар тайёрлай-миз, янги иш ўринлари яратамиз.

Нурали ХАЛМАНОВ,
Самарқанд давлат
университети доценти,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

ЭЪЛОН

Тошкент давлат
шарқшунослик институти
қуйидаги вакант лавозимларга танлов
эълон қилади:

1. Араб филологияси кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.
2. Эрон-афгон филологияси кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; профессор — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин; стажёр-ўқитувчи — 1 ўрин.
3. Туркий тиллар кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; профессор — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин.
4. Корейс филологияси кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин; стажёр-ўқитувчи — 1 ўрин.
5. Жанубий Осиё тиллари кафедраси: доцент — 1 ўрин; ўқитувчи (хинд тили) — 1 ўрин; ўқитувчи (вьетнам тили) — 1 ўрин.
6. Мумтоз филология кафедраси: профессор — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.
7. Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси: профессор — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин.
8. Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.
9. Хитой тили ва адабиёти кафедраси: стажёр-ўқитувчи — 1 ўрин.
10. Шарқ тилларини ўқитиш методикаси ва педагогика кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
11. Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; профессор — 1 ўрин.
12. Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин.
13. Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси: профессор — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.
14. Шарқ фалсафаси ва маданияти кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин; доцент — 1 ўрин; катта ўқитувчи — 1 ўрин; ўқитувчи — 1 ўрин.
15. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси: доцент — 1 ўрин.
16. МДХ ва Яқин Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти ва мамлакатшунослик кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин.
17. Математика ва ахборот технологиялари кафедраси: катта ўқитувчи — 1 ўрин.
18. Иқтисодий назарияси кафедраси: профес-сор — 1 ўрин.
19. Фарбий Европа тиллари кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.


Хўжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

ХЎЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан).
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари.
4. Белгиланган талабларга кўра эгаллаш лаво-зими асосида тегишли мутахассислик бўйича маъ-руза ўқишда чет тили (инглиз, немис, француз тили) ва информацон технологиялардан фойдаланиш кўникмаси (сертификат ва малака ошириш курсла-ри асосида).
5. Тасдиқланган илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.

100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй.
Тел: 233-44-36; 233-02-38.

Реклама ва табриклар



**«МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА
ИШЛАШ ЗАВОДИ»**

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**



*Наврўз байрами билан барга
юртдошларимизни қутлайди!*

Маҳсулотлар сертификатланган.



Ассалом, Наврўз!

Қадрли юртдошлар!

**Сизларни Наврўзи олам
билан табриклаймиз!**

ЧЭКИ "Hamkorbank" АТБ жамоаси



0-800-1-200-200

www.hamkorbank.uz



НАМКОРБАНК

BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

Хизматлар лицензияланган.

«БЕХРУЗ ТРАНС СЕРВИС»

МЧЖ жамоаси

ватандошларимизни

Наврўзи Олам билан қутлайди!



Хизматлар лицензияланган.

«Бехруз транс сервис» МЧЖ

Сизларни ҳамкорлик қилишга, автотранспорт хизматларидан фойдаланишга таклиф этади.

Биз сизнинг юкларингизни Ўзбекистондан Россияга, Европа ҳамда МДХ мамлакатларига автопаркимиздаги замонавий жиҳозланган, Европа талабларига жавоб берадиган Еврофура автотранспорт воситаларида етказиб берамиз.

«Бехруз транс сервис» МЧЖ қулай ва ишончли ҳамкорингиз!





«Ўзпахтасаноатхолдинг» компанияси ва «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти тизимидаги

«URGANCH YOG'-MOY

акциядорлик жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни

Наврўз байрами билан табриклайди!



Махсулотлар сертификатланган.



МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

r — 338

17662

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:20

Topshirilgan vaqti — 23:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

722010763006

1 2 3 4 6